

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَمَّا تَزَلَّتْ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: {لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَإِنْ يَبْدُوا مَا فِي أَنْفُسِكُمْ أَوْ تُخْفُوهُ يُحَاسِبُكُمْ بِهِ اللَّهُ} الآية [البقرة 283]

اسْتَدَدَ ذَلِكَ عَلَى أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَتَوْا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ بَيْكُوا عَلَى الرُّكْبِ فَقَالُوا: أَيْنَ رَسُولُ اللَّهِ، كُلِّفْنَا مِنَ الْأَعْمَالِ مَا نُطِيقُ: الصَّلَاةَ وَالصِّيَامَ وَالجِهَادَ وَالصَّدَقَةَ، وَقَدْ أُنْزِلْتَ عَلَيْنَا هَذِهِ الْآيَةُ وَلَا نُطِيقُهَا؟ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَتُرِيدُونَ أَنْ تَقُولُوا كَمَا قَالَ أَهْلُ الْكِتَابَيْنِ مِنْ قَبْلِكُمْ: سَعَانَا وَعَصَيْنَا؟ بَلْ قُولُوا: سَعَانَا وَأَطْعَنَا عُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ» قَالُوا: سَعَانَا وَأَطْعَنَا عُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ، فَلَمَّا افْتَرَأَهَا الْقَوْمُ، وَدَلَّتْ إِلَيْهَا أَلْسِنَتُهُمْ، أَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى فِي إِثْرِهَا: {أَمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ؛ كُلُّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَا لَئِكَّتِهِ وَرُسُلُهُ لَا شَقِّرُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ وَقَالُوا سَعَانَا وَأَطْعَنَا عُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ} فَلَمَّا فَعَلُوا ذَلِكَ نَسْخَهَا اللَّهُ تَعَالَى، فَأَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: {لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا، لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ، رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا}، قَالَ: نَعَمْ {رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْنَاهُ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا}، قَالَ: نَعَمْ {رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَالًا طَافَةً لَنَا بِهِ} قَالَ: نَعَمْ {وَاعْفُ عَنَّا وَاغْفِرْ لَنَا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَأَنْصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِيْنَ} قَالَ: نَعَمْ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

. [125]

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсаларни ошкор қилсангиз ҳам, махфий қилсангиз ҳам, Аллоҳ сизларни ҳисоб-китоб қиласиди. Истаганини мағфират қиласиди, истаганини азоблайди. У ҳар нарсага қодирдир» нозил бўлганида бу

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларига оғир келди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келишди. Кейин чўккалаб ўтиришди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга кучимиз етадиган амаллар – намоз, рўза, жиҳод ва садақа юкланган эди. Энди сизга мана бу оят нозил бўлибди. Бунга кучимиз етмайди», дейиши. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар ҳам ўзингиздан олдинги икки Китоб аҳли айтгандек, «Эшитдик ва осий бўлдик», демоқчимисизлар? Аксинча, «Эшитдик ва итоат қилдик. Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз, қайтиш Ўзинггадир», денглар», дедилар. Шунда улар: «Эшитдик ва итоат қилдик. Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз, қайтиш Ўзинггадир», дейиши. Одамлар буни қийналиб ўқиб юриб, тиллари ўргангач, Аллоҳ унинг кетидан: «Расул ўзига Роббидан нозил қилинган нарсага иймон келтириди, мўминлар ҳам. Барчалари Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига «Расулларининг бирортасини ажратмаймиз», деб иймон келтириши, «Эшитдик ва итоат қилдик. Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз ва сўнгги қайтиш Ўзинггадир», дейиши» оятини нозил қилди. Улар шундай қилгач, Аллоҳ буни насх қилди. Сўнг Аллоҳ азза ва жалла ушбу оятни нозил қилди: «Аллоҳ ҳеч бир жонга имкониятидан ташқари нарса юкламас. Қилган яхши касби ўз фойдасига, қилган ёмон касби ўз зарарига. «Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, жавобгар қилмагин. – У Зот: «Хўп», деди – «Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганинг каби оғирликни бизга юкламагин. – У Зот: «Хўп», деди – Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин. – У Зот: «Хўп», деди – Бизни афв эт, мағфират қил ва бизга раҳм айла. Сен Хожамизсан. Бас, коғир қавмлар устидан бизга нусрат бер. – У Зот «Хўп», деди».[1]

Имом Муслим ривояти.

[1] Бақара сураси, 284, 285, 286-оятлар

Манба: hadis.islom.uz

